

УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

2022 йил "5" январь

270832 -сон

Нуробод ш.
Т/ИД БҲК номи

Нуробод тумани (тумани шахар) электр таъминоти корхонасининг номи

Раҳбари Н. Раҳимов (кейинги ўринларда (тумани шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

"Таъминотчи корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда Нуробод асосида фаолият юритувчи (истеъмолчининг номи)

рахбари О. Нуржонмуродов (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан маскур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва "Истеъмолчи" истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:
Актив 30000 кВт.с. реактив кВтар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 сўми, тариф буйича 13500000 ташкил этади.
тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (керакисли ёзилсин)

2.3. "Истеъмолчи"га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесинмидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, ҳисобга олиш приборлари уланган ток ва кучлиниш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инobatга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа вқситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган, ўсиб боровчи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари

уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз давр – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш оркали;

тунги давр – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматда мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоklar яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси оркали ҳар ойнинг “ ” санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. “Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга оширилмаган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камиди 5 кун олдин билдирги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнанинг охиригача

якуний
ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

“Истеъмолчи” турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан махсус дастурий махсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Узаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланмаган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегаралан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, муганосиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. ***(6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдирди.)***

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига муганосиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун

қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тadbиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар донмиё асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда; ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашшиш ҳағти-ҳарақатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган

ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларини, электр иситиш ва иссик сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. "Истеъмолчи" томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараवари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. "Истеъмолчи" электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. "Истеъмолчи" томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

"Истеъмолчи"нинг электр қурилмаларини "Таъминотчи корхона" электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Таъминотчи корхона"га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишли миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаятган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуни бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. “Истеъмолчи” куйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куватни) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекциясининг”нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

Ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари корхонаси вақилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамада бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда “Таъминотчи корхона”га буюртманомга бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”нинг талабига кўра куйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалари даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юклагасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқориди кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (Ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истеъмолчи” конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” куйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармоғидан узиб қуйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи ҳўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қўриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” конунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” куйидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи ҳўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергиясини билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

“Истеъмолчи”да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбашни таъмирлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари

бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармоқ орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит буйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 20 22 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш буйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили Ағлобег тўқоқ Ағлобег ш. Абдураҳмонов
Хисобрақаами 10001228601823579113121092019
Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 200229417
Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилладиган Истеъмолчилар учун:
Бюджет фондининг хисобрақаами
Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 200229417
Бюджетдан ташқари фондининг хисобрақаами
Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 200229417
ҚҚС тўловчининг коди _____
Телефонлар: _____ Факс: _____ e.mail: _____
(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр рақаами _____

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) 93160
DVIBT (СОГУ) _____
МНОВТ (СОАТО) 23151
(КФС) 12
TSHK (КОПФ) 055815

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили Ағлобег тўқоқ Ағлобег ш. Абдураҳмонов
Хисобрақаами 022636000102611704388
Банк коди (МФО) 00319 STIR (ИНН) 200613520
ҚҚС тўловчининг коди _____
Телефонлар: _____ Факс: _____

Статистик кодлар:

DVIBT (СОГУ) _____
МНОВТ (СОАТО) _____

Истеъмолчи:
Абдураҳмонов
М.У., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.
ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОАСАСИ

Таъминотчи корхона:
Ағлобег тўқоқ Ағлобег ш. Абдураҳмонов
М.У., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.
ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси юристконсулт _____

Ф.И.Ш. _____

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монийлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Юристконсулт: _____
(имзо)

Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи И
2. Фаолият тури Бизнинг
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 6 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват 380 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
- Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (кераклаиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами					
Январь	10000	10000			
Февраль	10000	10000			
Март	10000	10000			
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот қунига фойдаланади 8 соат, ойда 22 кун

Умумий юклага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I __, II __, III __



Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) курсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма копоқигадаги пломбанинг рақами	Улчов трансформаторларнинг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги курсаткичлари хисоблагич курсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучланиш			
ТП-60	МАНН-04	КАИФА. МА309Р	013190033552					

Имзолар:



Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами 00019 ток трансформатори 04 кучланиш
трансформатори _____ жами коэффициент _____ уланган қуввати 350 кВт
Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил Икромов Ишқоб
Тоқмоқ _____
Тоқмоқ _____ шаҳар, қфй, яфй, кўча уй рақами _____

1. Тариф гуруҳи 7 Фаолият тури _____
Труба ишл. чик, Шлакоблок, Гипс, Пленка чиз чик, Акфа чеки, Насос, Садов, Кафе, Ошхона, Устахона ва...???

1. "Истеъмолчи"нинг балансида куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво электр тармоғи _____

б) кабель электр тармоғи 011В-950 ПЧ-ОквВ ТП 60 кВТ

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами 60, 66 кВА

2. "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи корхона" ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан куйидагиларга:

а) вақтиний келиш, ТП 60 кВ 10ч 4
электр преобразованиши
хизмат кўрсатиш "Истеъмолчи" ходимлари томонидан,

б) Ишқоб объектларига электр таъ

"Истеъмолчи" билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиши" № _____ сана _____ й шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиши" шартномаси тузмаса _____ томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди:

_____ мансублиги _____


Вакиллар:

Истеъмолчи

М.Ў.

Таъминотчи корхона

М.Ў.



**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги 1-198 м _____ м;
Кесим юзаси МХ-50 м _____ мм²;
Русуми _____ АББ5 _____;
Кучланиши 380 кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

Истеъмолчи:
А. Нурмагомедов
М.Ў. (Имзо)

Таъминотчи корхона:
М. Қўриқов
М.Ў. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20 22 йил 5 сентябр ойи бўйича

Курсаткичлар қайд этилган сана « 5 » сентябр 20 22 йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори курсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошлангич	охирги			Эрталабки тигиз вақт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун		
											соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
9001						10098							
Жами													

Изоҳ: 7 устун = 6 устун - 5 устун, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами 8 устун = 7 устун * 4 устун,
8 устун = 9 устун + 10 устун + 11 устун + 12 устун + 13 устун

Истеъмолчи раҳбари

Таъминотчи корхона энергетиги



М.У. Ф.И.Ш.имзоси

Ф. И. Ш.имзоси

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
X U L O S A**

- 1. Loyiyaning turi:** Shartnoma.
- 2. Loyiyaning nomi:** Ulgurji iste'molchilar uchun elektr ta'minoti yetkazib berish to'g'risidagi № 270832-sonli shartnoma.
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Nurobod tuman hokimligi moliya bo'limi tomonidan 08.01.2022 yilda tuman YuXKMga kiritilgan..

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil «_08_» yanvar

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

Bosh yuriskonsulti

F.Tilavov

